

МИНАЙХОН ЖУМАНАЗАРОВА

# ЯШИН БЎЛМАЙ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН

*Шеърлар*

МАЖБУРИЙ НУСХА

«ISTIQLOL»  
ТОШКЕНТ  
2013

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў-6К)7

Ж 87

*Ушб. араб.*

84(5Ў-6К)7


Жуманазарова, Минайхон.

Ж 87

Яшин бўлмай яшай олмайман: шеърлар /

М.Жуманазарова. — Тошкент: Istiqlol, 2013. — 56 б.

*Бу тўпلامга истеъдодли қорақалпоқ шоирасининг ижод намуналари киритилган. Уларда қалам соҳибаси киндик қони тўкилган она Ватанини, чин инсонийликни, соф муҳаббат туйғуларини Жайхундай жўшиб-жўшиб куйлайди. Ҳар бир шеърда ўзига хослик, илҳом ва ҳайрат сезилиб туради.*



Ю 42322  
0

УЎК: 821.512.133-1

КБК: 84(5Ў-6К)7

ISBN 978-9943-308-85-5

© «Istiqlol nashriyoti», 2013



## ИЖОДИ ЎРНАК-ЎРНАК, ИФОРИ БЎЛАК-БЎЛАК

Ҳозирги замон қорақалпоқ шеърляти ҳақида гап кетганда, мазкур шеърлятнинг нозиктаъб вакиллари — аёл-қиз шоиралар ижоди борасида алоҳида фикр юритиш лозим бўлади. Яна аниқроқ қилиб айтсак, қорақалпоқ шеърлятида шоира қаламкашларнинг ижоди муаттар бир гулшанни бунёд қилганки, бу гулшан ифоридан баҳраманд бўлган мухлиснинг мазкур диёрга, унда яшаётган халқларнинг турмуш тарзига қизиқиши тобора ортиб бориши шубҳасиздир. Гап шундаки, азиз ихлосмандлар, Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиётида янги бир саҳифа очган бўлса, ана шу адабиётнинг навқирон вакиллари бўлмиш шоиралар улў даврон неъматларидан тўла баҳраманд ҳолда, янги-янги ифорли гулдасталар тузиб, адабиёт муҳибларига туҳфа қилмоқдалар. Чунончи, бугунги кунда Қорақалпоғистонда яшаб, илҳом билан ижод қилаётган, халқнинг орзу-умидларини маҳорат билан ифодалаётган ўнлаб шоира аёлларни, етишиб келаётган юзлаб ёш истеъодларни ўзим ҳам номма-ном санаб беришим мумкин.

Кейинги йилларда тўлиб-тошиб, баракали ижод қилаётган ана шундай фаол ижодкорлардан бири — қўлингиздаги шеърй тўплам муаллифи, атоқли шоира Минайхон Жуманазаровадир. Сирасини айтганда, унинг номи ўзбек ўқувчиларига аввалдан ҳам таниш. Унинг шеърлари, публицистик асарлари йигирма йиллардан буён матбуотимиз нашрларида, газета ва журналларимизда мунтазам равишда чоп этилиб келинмоқда. Ўн йиллар муқаддам унинг

шеърлари ўзбек тилида нашр қилиниб, ўқувчилар қўлига етиб борган эди. Кейинги йилларда эса Минайхоннинг асарлари адабий давраларда кўп тилга олинадиган бўлди, унинг ижоди Ибройим Юсупов-дай сўз заргарининг эътиборига тушди, тадқиқотларга асос бўлди.

Ўқувчи қалбида эса “Минайхоннинг шеърлари нимаси билан эътиборни тортади?” деган савол туғилиши мумкин. Бу саволга шундай жавоб қайтара оламан: авваламбор содда тилда ёзилганлиги билан. Қолаверса, ростгўйлиги билан. Учинчидан эса шеърый фикрни, айтмоқчи бўлаётган гапини ўзига хос оҳангда ифодадай олиши билан. Минайхоннинг шеърлари борасидаги фикр-мулоҳазаларимизни яна давом эттираверишимиз мумкин эди-ю, гапимизни шу ўринда мухтасар қилишга қарор қилдик. Сабаби, шоира шеърларидаги хусусиятларни шу китобни ўқиган зийрак мухлисларнинг ўзлари пайқаб-фаҳмлаб оладилар деб ўйладик.

Мутолаага марҳабо, шеърхумор дўстлар!

*Музаффар Аҳмад,  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,  
таржимон*

# Илҳом булоғимнинг кўзисан

---

## ВАТАН

Дарёю денгизинг, кўлингни ёздим,  
Асқар тоғларингни, чўлингни ёздим,  
Учи-охири йўқ ерингни ёздим,  
Илҳом булоғимнинг кўзисан, Ватан!

Неча турли қушлар, не жонворларинг,  
Яшил тўқайларинг, дуркун боғларинг,  
Нурга чўмилтирар алвон тонгларинг,  
Меҳрибон онаминг ўзисан, Ватан!

Саҳроларда жоним ҳалак югурдим,  
Лойқа сувларингда суздим, чўмилдим,  
Бахтим шу – Она юрт, сенда туғилдим,  
Киндик қоним томган еримсан, Ватан!

Дарёю денгизинг, кўлингни ёздим,  
Асқар тоғларингни, чўлингни ёздим,  
Учи-охири йўқ ерингни ёздим,  
Илҳом булоғимнинг кўзисан, Ватан!



## БОБОМСИЗ

*Бобом Эшим охун Ажибой ўглининг  
табаррук хотирасига бағишлов*

Илму ҳикмат излаб кезиб дунёни,  
Элу юртга таратиб нур-зиёни,  
Бир моҳи сиймосиз, бутун иймони,  
Шамчироғим, зиёратгоҳ бобомсиз.

“Шерғозихон” мадрасасин битириб,  
Ундан ошиб “Кўкалдош”га юз буриб,  
Охун бўлиб, юрт ишига тахт қуриб,  
Дини исломга содиқ ўтган бобомсиз.

Ота юртга келиб, масжид солдириб,  
Қайда зийрак бола бўлса, олдириб,  
Илм чашмасидан меҳрин қондириб,  
“Билимли эл ўзар”, деган бобомсиз.

“Эшим охун Бухородан қайтганда,  
Бор билимни олган”, деб гап отганда,  
Уламолар илм-масала айтганда,  
Дуруст ечиб, олқиш олган бобомсиз.

Илоҳий бир нур таратиб юзингиз,  
Меҳру шафоат ёғдириб кўзингиз,  
Кўп хастага шифо берган ўзингиз,  
“Кўзи очик бобо” аталган бобомсиз.

Авлодларинг бари илму ҳикматли,  
От-обрўли бўлди, кетмас давлатли,  
Элга ҳам бир, ерга ҳам бир навбатли,  
От қўтармас ном қўтарган бобомсиз.

Бугунги авлодлар сизни ёд этиб,  
Исмингиз айтмоқда руҳни шод этиб,  
Хатми Қуръон қилиб, элга ош тортиб,  
Икки дунё обод бўлган бобомсиз.

Ҳожибой, Ирзо, ундан Ҳабибулла,  
Ҳабибулладан бўлган экан Файзулла,  
Файзулланинг Парихон исмли қизига  
Қарар кўзим, менинг васфим сўрасанг.  
Борсам-келсам зиёратгоҳ Каъбамсиз,  
Барча эзгу ишдан огоҳ бобомсиз!

### **ЎҒЛИМ, ТОҒЛАРГА БОҚ...**

Бу тоғлар эгали, тоққа боқ, талпин,  
Боболар от суриб ўтган жойлар бул.  
Бу – Турон, Туркистон, Жийдали Бойсун  
Бойчибор сув ичган мангу сойлар бул...

Тортинма, қулуним, бул юрт сеники,  
Қониб ич булоқнинг зилол сувидан.  
“Шажараи турк”, “Қутадғу билик”ни  
Ёд қилсанг, кимлигинг аёндир шундан.

Асан, Омонгелди бобонглар бунда,  
Халқнинг ор-номусин туғ этган қўлда.  
Асли гавҳар қилич ётарми қинда,  
Ўғлим, тоғларга боқ, тоғларга талпин!..



## ОНАЖОН

Мени ўйлаб, куйиб, минг ташвиш чекиб,  
Келарми деб йўлларимга кўз тикиб,  
Борсам, эркалатиб, юзимдан суйиб,  
Ким энди манглайим сийпар, онажон?

Сен бор пайтинг кўнглим тўқ эди менинг,  
Эрка миназ<sup>1</sup>ларим чўғ эди менинг,  
Ташвишим, қайғум ҳам йўқ эди менинг,  
Кимлар энди мени суяр, онажон?

Эркалатиб қўйган ўзинг экан-ку,  
Шафоатга тўла кўзинг экан-ку,  
“Қароғим...” деган бол сўзинг экан-ку,  
Қайлардан топарман, энди, онажон?

Икки йўл ўртаси... ҳамон йўртаман,  
Сени излаб бориб, топмай қайтаман,  
Энди арзи ҳолим кимга айтаман,  
Етимлик нелигин билдим, онажон!

Қайғу келса бирор куннинг кунинда,  
Кимгадир суянгим келар менинг-да,  
Шундай пайт ҳаттоки фарзандларим-да  
Ўрнингни босолмас сенинг, онажон!

“Оғам – олганунча, янгам – егунча...”,  
Дўст-ёронлар давлат тойди дегунча,  
Мендан безмай кетган ўла-ўлгунча,  
Тек ўзинг экансан, билдим, онажон!

Ҳар кимнинг ўз уйи – ўлан тўшаги,  
Уй ҳам ҳувилларқан айрилиқ чоғи,  
Япроқдай сарғайди умид чечаги,  
Қайлардан топарман сени, онажон!..

---

<sup>1</sup> Миназ – хулқ-атвор.



## МЕН – САҲРОЙИ ҚОРАҚАЛПОҚМАН

Улуғ Турон юрти, қадим Туркистон,  
Манглаймга битган азалий бўстон,  
Тарихим, таърифим — минг йиллик достон,  
Мен саҳройи элман — қорақалпоқман.

Орол бўлиб эмиб Аму-Сирларни,  
Макон айлаб ўйли-баланд, қирларни,  
Ёддан тўқиб достонларни, шеърларни,  
Айтсам — шажарали қорақалпоқман.

Фарғонада “Қорақалпоқ даласи”,  
Самарқанд, Бухоро — кўзим қораси,  
Қай ерда қолмади кўнглим қалъаси,  
Дунёни бўйлаган қорақалпоқман.

Эдил, Ёйиқ<sup>1</sup> бўлсалар ҳам кўп қулай,  
Амир сайлаб сийласа ҳам ул Нўғай<sup>2</sup>,  
Соғинтириб Аму суви, ўша лой,  
Чўлни Ватан тутган қорақалпоқман.

Ўғил-қизим таърифимни сўзлаган,  
Йўқловчи бўп, тарихимни излаган.  
Айланиб кетайин, қора кўзгинам,  
Мен — саҳройи халқман, қорақалпоқман!



<sup>1</sup> Эдил, Ёйиқ — Волга ва Урал дарёлари.

<sup>2</sup> Тарихий маълумотларга кўра, қорақалпоқ халқининг бир қисми Нўғай хонлиги худудида ҳам яшаган.

## АЙТИБ ЯХШИ КЎРСАНГ...

Айтиб яхши кўрсанг болангни,  
Айтиб яхши кўрсанг онангни,  
Тилга кўчса ҳис, туйғу, ҳавас,  
Кўнгилларда андиша қолмас.

Она бўлиб кўрмаган аёл,  
Беролгайми онангдай меҳр?  
Асабига тегиб кўр, дарҳол  
Ўша заҳот сочади қаҳр.

Эҳ, онанг-чи, тутдай тўкилиб,  
Арвонадай ийиб кетади.  
Қовурғаси қолмай сўкилиб,  
Ич-ичингга кириб кетади.

Ҳеч нарсанинг оғир-енгилин  
Сезолмассан бошингга тушмай.  
Қариндошнинг билмайди қадрин,  
Той-кулундай тепишиб ўсмай.

Айтиш мушкул ҳатто онамга  
“Сизни яхши кўраман!” – дея.  
Айтолмасман туққан боламга,  
Тўймасман ҳам мен суя-суя.

“Айтилмаган сўз – олтин” эмиш,  
Айтилган сўз – мис эмиш яна.  
Кўксим тўла қадрдон ташвиш,  
Сиз берган меҳр-муҳаббат, она!

## ХОРАЗМНИ ТАРК ЭТИШГА РУХСАТ ЙЎҚ

*“...Биз шу Ватан учун шаҳид бўлажакмиз!  
Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ бизга...”*

Нажмиддин Кубро башоратларидан  
(“Нафоҳатул-унс” асари, 405-бет)

Нур излаб чарх уриб кездим дунёни,  
Бағдод, Табриз ва Искандарияни.  
Аммо Ясир, Шайх Исмоил, Рўзбехон  
Пирларни деб тарк этдим мен Хивани.

Исламадим мен на обрў, на лавозим,  
Халққа чироқ лозим, халққа нур лозим.  
Кўксимга дур-гавҳар йиғиб, олиб келдим,  
Хатга солдим ҳар не борим, ол, Хоразм!

Бўлжадим<sup>1</sup> мен келажақда Ҳақнинг исмин,  
О, ўнг бўлиб айланди ҳар кўрган тушим.  
Мўғулларнинг келишин ҳам билган эдим,  
Бироқ жонни асраш эмас марднинг иши.

Хоразмни тарк этолмам, ҳеч рухсат йўқ,  
Бошқа юртда жон беролмам, ҳаловат йўқ.  
Шаҳид бўлиш учун қолдим шу ерда мен,  
Найза тутдим ёвга омон, шафоат йўқ!

\* \* \*

Ўқ танламас — шайхми, пирми ул,  
Кўксига қадалди топиб келиб йўл.  
Қўлидан қўйвормай ёғий байроғин,  
Жон берди пир Кубро.  
Халқим, омон бўл!

“Хоразмни тарк этишга менга рухсат йўқ!..”

<sup>1</sup> Бўлжамоқ — башорат қилмоқ, тахмин қилмоқ.

## ҚИЗЛАРИМНИ ҚИЗҒОНАМАН

*Шоира Гулнора Нурлепесованинг  
шу номдаги шеърини ўқиб...*

Қизларимни қизғонаман, орим менинг,  
Кўнглимдаги энг бир нозик торим менинг,  
Ёлғончида ҳарна йўғ-у борим менинг,  
Қизларимни қизғонаман, қизғонаман.

Қизим менинг бир йигитга ёр бўлади,  
Қатордаги қоп қўллашар нор бўлади,  
Қўл тегмаёқ, янграб кетар тор бўлади,  
Қизларимни қизғонаман, қизғонаман.

Эрта бир кун Алпомишга она бўлар,  
Ул-қизим деб юрак-бағри пора бўлар,  
Барибир ҳам менинг учун бола бўлар,  
Қизларимни қизғонаман, қизғонаман.

Тўй бошласам, шулар – шуҳрат-шоним менинг,  
Қоронғуда нур таратган тонгим менинг,  
Ўлганимда йўқлов айтар жоним менинг,  
Қизларимни қизғонаман, қизғонаман.

Қизларимни қизғонаман, орим менинг,  
Кўнглимдаги энг бир нозик торим менинг,  
Ёлғончида ҳарна йўғ-у борим менинг,  
Қизларимни қизғонаман, қизғонаман.



## НУКУСИМ

(қўшиқ)

*Минайхон Жуманазарова сўзи,  
Қодир Ҳилолов муסיқаси*

Таърифингни баён этсам, Нукусим,  
Тополмасман сўзнинг сулув, тўқисин,  
Сенга мос сўзларни кўнгил тўқисин,  
Тарихимда номи порлоқ Нукусим!

Бизда ўзи аввал шаҳар бўлганми?  
Бўлса, қайда — қум остида қолганми?  
Манглайимга ёлғиз сени ёзганми?  
Гўзалликда нурли сиймо Нукусим!

“Эдил қайда, Ёйиқ қайда, жой қайда?”  
Халқим бурун макон босган шул жойда,  
Излаб борсам ота юрт деб Нўғайга,  
Шаҳарларим изи қайда, Нукусим?!

Таърифингни ҳув наридан оқизсам,  
Саҳройи кўнглимга битган боғимсан,  
Ўрмамбетбий бобом чалган қўбизсан,  
Бахтим порлар сен бор жойда, Нукусим!

Нўғайимдан қалпоқ қолди, бош қолди,  
Туркистонда тарқоқ элда лош қолди,  
Халқим менинг баридан ҳам бўш қолди,  
Ҳасратимнинг поёнисан, Нукусим!

“Қорақалпоқ, қайда маконинг, жойинг?” —  
Деса, энди менинг жавобим тайин.  
Орол бўйи — ота мерос, қут жойим,  
Бош шаҳримсан, шодёнамсан, Нукусим!

Пойдеворинг қалаб таъмал тошидан,  
Шаҳар қурсак Қоратовнинг бошидан,  
Менинг кўнглим завқ олади ўшандан,  
Гўзалликда яғонамсан, Нукусим!

Таърифингни баён этсам, Нукусим,  
Тополмасман сулув сўзнинг тўкисин,  
Ороми жон, дил овунчи ўзингсан,  
Халқим севган дурдонамсан, Нукусим!



# Келажакнинг ёруғ хаёли – Аёл!

## АЁЛ

Ота уйда эркаланиб улғайдинг,  
Гулзор ичра гул мисоли чўғландинг,  
“Киши хасми...” Эъозларга чулғандинг,  
Ўзга юртнинг бахту иқболи – Аёл!

Энди... дахл қилгандай сенинг эркингга,  
Хайрона боқасан севган эрингга,  
Тош бўлиб ботгансан тушган ерингга,  
Кўзингда тақдирнинг малоли, Аёл!

Ҳижрон ўтларидан қалбинг доғланиб,  
Ҳасратларда пинҳон бағринг тигланиб,  
Орзу кемаларинг қирда боғланиб,  
Тиндими чашмаи зилолинг, Аёл!

Осонми барг ёзмоқ ўзга тупроқда,  
Жонингни жабборга бердинг ҳар чоқда,  
Қанча умринг кечди синов, титроқда,  
Сен – гўё пойганинг тулпори, Аёл!

Дунёнинг бор заҳмат, бор ташвишларин,  
Нор бўлиб, кўтардинг елкангда барин,  
Югуриб-йўртиб, терга ботсанг олмай тин,  
Қадр топмади меҳнатларинг ҳам, Аёл!

Нозик қад эгилиб дол бўлди, эвоҳ,  
Суйруқдай<sup>1</sup> бармоқлар қаварди, эвоҳ,

<sup>1</sup> Суйруқ – ёш қамиш.

Оқча юзлар – сариқ гул, сўлди, эвоҳ!  
Султонсиз саройнинг дастёри, Аёл!

Сен эдинг муҳаббат, меҳрга ташна,  
Қалбинг – пок туйғулар қайнаган чашма,  
Қандоқ ярашарди нозу карашма,  
Сўндирди замоннинг шамоли, Аёл!

Сарвиқомат эдинг гул каби нозик,  
Елкангга ортдилар, афсус, қанча юк,  
Меҳрингга жавоб меҳр топмадилар, йўқ,  
Иzzат-эҳтиромнинг инкори – Аёл!

Ўз ўтингда ўзинг пинҳон қоврилиб,  
Ётар кўз ёшингдан ёстиқ ювилиб,  
Муҳаббат боғидан бевақт қувилиб,  
Бўлдинг ғарибликнинг тимсоли, Аёл!

Кўзни қопласа ҳам ҳасрат тутуни,  
Оҳингдан тоймади ернинг устунни,  
Кўнглинг минг қуроқдир, сирти бутуним,  
Келажакнинг ёруғ хаёли Аёл!

Энди қизинг эркалансин, улғайсин,  
Чамандаги гул мисоли чўғлансин,  
Киши хасми бўлиб, у ардоғлансин,  
Ёруғ бўлсин унинг иқболи, Аёл!





## МЕНИ АЙБЛАМА...

Сени минг дардларга солганим учун,  
Ишқингда ўт бўлиб ёнганим учун,  
Гоҳ қайнаб, гоҳ тошиб тўлганим учун,  
Мени айблама, азизим.

Айбсиз жон эгам, гуноҳкор ўзим,  
Тунлар уйқу бермас илоҳий сезим,  
Барига сабабчи – тутаган тўзим,  
Мени айблама, азизим.

Қалбимга ўт солган Аллоҳнинг ўзи,  
Жонимга жой бермас меҳрининг кўзи,  
Айтилган барча сўз – тангрининг сўзи,  
Мени айблама, азизим.

## ШОИРГА

Ишқ шароби дея, май ичдинг сен,  
Айтгин-а, чанқоғинг қондими ўзи?  
Суйдим деб, куйдим деб ўтга тушдинг сен,  
Айт-чи, кимдир бирга ёндими ўзи?

Кўплар бирга ёнди, кулга айланди,  
Сен-чи кундан-кунга ловуллайвердинг.  
Талай булоқларнинг кўзи бойланди,  
Сен саҳрода сув бўп шовуллайвердинг.

Меҳрингни улашиб тошбағирларга,  
Кўрингандан меҳру шафқат кутарсан.  
Кўнглингда не борин бул юрт англарми,  
Ловуллаб-ловуллаб... ўлиб кетарсан.

## АЙТ... АЙТ...

Айт сен ёшлигимнинг баҳорсиз, ёзсиз,  
Кузги япроқдайин тўкилганин айт.  
Қишларим забтига олди аёвсиз,  
Кўнглим осмонининг сўкилганин айт.

Оппоқ қор-қировли қишнинг бир куни  
Қалбимда ғунчалар гуллади – айт, айт.  
Сеҳрли соз чалдик узоқ бир туни,  
Булоқлар зилол сув йўллади – айт, айт.

Ҳеч кимга эгмаган мағрур бошимни,  
Тек сенинг олдингда эгдим-ку – айт, айт.  
Кипригимга қотган қувонч ёшимни  
Лабингда эритиб суйдинг-ку – айт, айт.

Тош қалбим қайрадинг инқ тоши билан,  
Кўксимда гавҳарлар жилоланди, айт.  
Соф севгинг, покиза ихлосинг билан  
Кўнглимнинг қалъаси эгалланди, айт.

Айт... айт... Ҳаммасини қулоғимга айт!



## МУНОЖОТ

Шукур-а, ўзингдан розиман, Тангрим,  
Энг тоза боғларнинг гулин тергиздинг.  
Илоҳий туйғулар — севгининг барин  
Кўксимга дур-гавҳар каби киргиздинг.

Розиман, сўз бердинг халқ минбаридан,  
Мен тошиб-тўкилсам, сен йиғиб олдинг.  
Севдим-у севилдим юрак тўридан,  
Ёнсам, тек севгининг ўтида ёндим,

Сен берган меҳрни тамом улашиб,  
Талай юракларда гунча, гул очдим.  
Телба руҳ эркимни яшнатди жўшиб,  
Шафоат йўқ ердан мен тура қочдим.

Мен билмайман қачон тугар нафасим,  
Шунга қадар сенинг содиқ қулингман.  
Гулласам — меҳр тарар ҳар бир гулшаним,  
Кетсам — юрт чувлашиб қолар йўлимда.

Ай шукур, шукур-ов ўзингга, Тангрим!



## ГОҲИДА...

Мен гоҳо воз кечиб хаёлларимдан,  
Орзу қилмоқни ҳам қўйсамми, дейман.  
Чарчайман фойда-ю зиёнларимдан,  
Қўл силтаб, жондан ҳам тўйсамми, дейман.

Ҳатто кўргим келмай олис-яқинни,  
Қўл узгим келади оломонлардан.  
Қайириб ўзимнинг ўзим шохимни,  
Безаман “қўйдим-у ёнаман”лардан.

Ўз теримга шунда ўзимни қамаб,  
Узилиб бору йўқ уланишлардан,  
Чилпарчин кўнглимга минг қуроқ ямаб,  
Қочгим келар хаёл, тўлғанишлардан.

Ўшал дам кўксимни қоплаб бир олов,  
Уйғотар гафлатда ётган жонимни.  
Юрак торларимни чертиб беаёв,  
Аслига қайтарар ҳар не боримни.

Гоҳида воз кечиб хаёлларимдан,  
Орзу қилмоқни ҳам қўйсамми, дейман.



## БАРЧАСИ ЁЛҒОН

Сигмоғим мушкулдир менинг дунёга,  
Сенинг тушунмоғинг ундан-да мушкул.  
Қалбимга ўт солган раббим Аллоҳга  
Розиман, тахтимдан келмайди тушгим.

Мен учун шеърлардан барчаси ёлғон,  
Қайғу-қувончларим жамланган унда.  
Амал деб, унвон деб ўзгалар ёнган,  
Менинг бошқалардан фарқим ҳам шунда.

Олтин қафаслардан афзал осмоним,  
Кўксимдан олмасин оловларини.  
Кўнгил саройида менинг бошпанам,  
Сенинг тушунмоғинг қийин барини...

## СЕЗМАЙСАН

Кўзсиз капалакдай ўтга урилиб,  
Сезмайсан, ёлинлаб<sup>1</sup> ёнаётирсан.  
Кулга айланиб ва қайта туғилиб,  
Бол, заҳарни қўша ютаётирсан.

Бунчалик фидойи бўлганинг неси?  
Севиб-севилмасанг, умринг ҳам зое.  
Ошиқнинг кўр бўлар кўзлари деса,  
Ишондим, севиклинг солмади соя.

Оёғи остига ташлаб ўзингни,  
Йиғладинг, кўтариб олмадинг қўлга.  
Тошдан яратиб сен тоғдай тўзимни,  
Тош ҳайкал ёнида айландинг кулга...

Кўзсиз капалакдай ўтга урилиб,  
Сезмайсан, ёлинлаб ёнаётирсан...

---

<sup>1</sup> Ёлинлаб — алангаланиб.

## ИНЪОМ ЭТ

Соғинчлар, соғинчлар, соғинчлар...  
Соғинчда ҳижроннинг чеки йўқ,  
Дард, алам, мунг, қайғу, нолишлар,  
Ўртаниб-ёнасан — чўгинг йўқ.

Кимнидир кутасан. Келмайди,  
Ўзинг ҳам билмайсан, ким ўзи?  
Сенинг кимлигингни у ҳам билмайди,  
Қулоғи эшитмас, кўр кўзи.

Ўзингни урасан тоғ-тошга,  
Сезмайман жон-таннинг озорин.  
Минг савдо тилайсан бир бошга,  
Тарқамай турсайди бозоринг...

Мен сезиб яшайман ҳаммасин,  
Шу туйғу ярашар ўзимга.  
Ҳижронлар ўти ҳеч сўнмасин,  
Тангрим, инъом этавер менга —

Соғинчлар, соғинчлар, соғинчлар!..

## ЁЛФИЗЛИК

Бояги боғларнинг боғбони ўзга,  
Ўзга ниҳоллари, ўзга гуллари...  
Меваси бош эгиб эгилмас бизга,  
Ҳатто майсаларнинг ўзга нурлари.

Эски нарса бари — янги бўянган,  
Эски сурувларда қолмабди излар.  
Саид Аҳмад ҳам йўқ, хасса таянган,  
Муҳаммад Юсуф йўқ, юракдан сўзлар.

Янги баҳонада дамланади ош,  
Дийдор ғаниматдир – тушунарли ҳол.  
Қулоқлар эшитар, кўз кўрар такрор,  
Дўрмон боғларида янгича жамол!

Аммо мен ёлғизман, боғ ёлғиз, якка,  
Нени излаб келдим, нени йўқотдим.  
Соғинчлар ўрнашар яна юракка,  
Нега келганимни билолмай қайтгум...

### КЎРИНДИ

Кўрдим бул дунёда яхши-ёмонни,  
Ақли, аҳмоқни ҳамда нодонни,  
Кўрдим йиғлатганин одам-одамни,  
Дунёга келганим ёлғон кўринди.

Одамларнинг феъли озган замонда,  
Шумликлари бошдан ошган замонда,  
Ризқу баракатлар қочган замонда  
Бир тишлам нон топиш гумон кўринди.

Кўрдим ор-номусин пулга сотганни,  
Амал учун нақ бошига етганни,  
Сиртдан сотиб, бирин-бири отганни,  
Бул дунё ишлари вайрон кўринди.

Меҳру шафоатлар ўлган замонда,  
Севги-муҳаббатлар сўнган замонда,  
Ёмонлик уруғи унган замонда  
Бир парча табассум – армон кўринди.

## ВИЖДОН АЙТАДИКИ...

Мен сенинг кўксингда товланиб,  
Давосиз дардлар чекарман.  
Нафсинг балодир ёвланиб,  
Кўзлардан ёшлар тўкарман.

Билмадинг олис-яқинни,  
Ўзингдан ўзгани кўрмадинг.  
Тингламай менинг оҳимни,  
Кўксинггагина ерладинг.

Ҳалолу ҳаром қоришиб,  
Молу дунёлар йиғмадинг.  
Ўзинг-ла зўрға курашиб,  
Чивин жонингни қийнадинг.

Қариндош, туғишган, оғайни,  
Билмадинг асло ҳимматин.  
Бору кел, қатнашиқлар қани?  
Бўлмади ҳурмат-иззатинг.

Кўпайса, давлатинг кўпайди,  
Қалбинг-чи, камбағал ва қашшоқ.  
Нафсинг ҳеч “қондим мен” демайди,  
Айтаверсанг — уят-ку бироқ...

Аслида сен бундай эмасдинг,  
Очкўзлик сени ўлдирди.  
Энг баттар, ҳайвоний ҳисларинг  
Қабрга жасадинг келтирди...



## ОРАНГИЗДА ҚОЛГИМ КЕЛАДИ

Ҳорун подшо бўлиб ҳар кун  
Кенг саҳрони кезгим келар.  
Борми синиқ, ярим, бутун,  
Дарду ҳолин билгим келар.

Кўндир етим, есир, гариб,  
Манглайдан суйгим келар.  
Ҳазинамни улаштириб,  
Ҳаммасига бергим келар.

Жафокашлар чекса жафо,  
Ёнин олиб тургим келар.  
Дардлиларга топиб даво,  
Хастага ем бўлгим келар.

Дастурхонга ризку неъмат,  
Мўл-кўлчилик бергим келар.  
Очкўзларга сабр-қаноат,  
Виждон бўлиб энгим келар.

Жамшид жомин қилиб бунёд,  
Кенг жаҳонни кўргим келар.  
Тоғ кўпориб мисли Фарҳод,  
Саҳрога сув бергим келар.

Ботирларга қилич-совут,  
Кўксида ор бўлгим келар.  
Эл бошига кун туққан пайт,  
Мен ҳам отга мингим келар.

Қиз юзида уят, ибо  
Ва андиша бўлгим келар.  
Йигитга мартаба, вафо,  
Бахт куши бўп кўнгим келар.

Кимман ўзим? Тарихимнинг  
Барин-барин билгим келар.  
Замонларнинг таърифини  
Ҳақ сўз билан айтгим келар.

Эшитганим-кўрганимнинг  
Барин хатга солгим келар.  
Ҳур қўшиғи бўлиб элнинг  
Халқ ичида қолгим келар.

### ЯНА БАҲОР КЕЛДИ...

Яна баҳор келди, яна ёз келди,  
Унутдим қировли қишнинг қорларин.  
Кўнгил ойдинимга ўрдак-ғоз келди,  
Чалгин туйғуларнинг нозик торларин.

Офтоби юзимни аймалаб-суйиб,  
Йўлимга тўшалди яшил майсалар.  
Булбул гул ишқида ўртанар куйиб,  
Болари гуллардан бўсалар олар.

Хаёлим ўғирлаб бу жонли сурат,  
Қалбимга ўт ёқар жонимни қийнаб.  
Мени ўртамоқда ҳижрон-муҳаббат,  
Айиқтириб<sup>1</sup> бўлмас дард ила сийлаб.

---

<sup>1</sup> Айиқтирмоқ – ўзига келтирмоқ.

## КЕТМОҚ УЧУН КЕЛГАНМАН

Қанча сулув гул бўлса-да сўлар бир кун,  
Шон-шавкатли саройлар ҳам тўзар бир кун,  
Тарқаб кетар ҳар қандайин бозор бир кун,  
Эллар аро ёд этилар сўзим менинг,  
Сўзим аро яшагайман ўзим менинг.

Бойлик қувиб ўзгаларга ялинмадим,  
Амал сўраб товон йўлда кўринмадим,  
Ўз ўтовим, ўз бошпанам — Ватаним бор,  
Адолатда, ҳақиқатда кучим менинг,  
Шунинг учун ўткир поки — тишим менинг!

Сўз ҳам — давлат, подшодирман менинг ўзим,  
Бош олади ўткир қилич — шеърим, сўзим,  
Кўзга сурма ҳар бир босган изим менинг,  
Шукрим кўпдир яратгучим — бир Аллоҳга,  
Кетмоқ учун келгандирман бу саройга!

Қайга борсам халқим ўзинг — қайтар жойим,  
Борим ўзинг, йўғим ўзинг — сенсан доим,  
Ел бўлиб эс, мен — кўкдаги тўлин ойинг,  
Айланайин қорагина кўзим менинг!  
Кўзим эмас, жон-жигарим, ўзим менинг!!

Қанча сулув гул бўлса-да сўлар бир кун,  
Шон-шавкатли саройлар ҳам тўзар бир кун,  
Тарқаб кетар ҳар қандайин бозор бир кун,  
Эллар аро ёд этилар сўзим менинг,  
Сўзим аро яшагайман ўзим менинг.

# Илхом қуши

---

## ИЛХОМ ҚУШИ

Қанча баҳорларим гуллади сенсиз,  
Тўкилдим соғинчдан кузги япроқдай.  
Ёзларда қоврилдим ёғинсиз, ҳолсиз,  
Бул дардли кўнглимнинг давосин топмай.

Бугун-чи, ўзгача қулф урар дунё,  
Ўнгимми, тушимми, во ажаб, бул не?  
Келдинг тулпор каби елиб шу асно,  
Айт-чи, ростдан ҳам шу сенмисан, сенми?

О, сен қалб ҳукмдори, орзу султони,  
Кўнглим саройига подшолик эт сен.  
Сенсиз ўтган йиллар доғи, ҳижрони  
Ўтли нафасингдан эрисин-кетсин!..

## ЖОНИМ

Оқ тақирлик, жизганак ерда  
Куйрармикин яна бўстоним?  
Оққуш жуфтин қийса ажалга,  
Чирқирамас қалай, эҳ, жоним?

Кимлар сезиб кўнглим ноласин,  
Қайта тирнар қалбим ярасин,  
Дард не экан — мендан сўрасин,  
Чекмаганлар не билар, жоним.

Соғинчларим — кузги зар япроқ,  
Оёғимга шов-шов тўкилар.  
Армон қуши тутқизмас бироқ,  
Ҳижрон доғи бағримни тилар.

## СОҒИНМАЙМАН ЭНДИ

Соғинмайман энди ҳеч кимни,  
Соғинмайди ҳеч ким мени ҳам.  
Кўнгил — тилла бандсиз кўшкимни  
Тарк айлади тантана, байрам.

Сарғиш дўнган кузги зар япроқ  
Поймол бўлиб тўкилар энди.  
Қалбим тўла ҳижрон, оҳ-фироқ,  
Юрак-бағрим сўкилар энди.

Шукурим-ов, шукурим-ов деб,  
Суйган эди эркалаб юзим.  
Нетай энди баҳорни излаб,  
Излаб келди хазонрез кузим.

Соғинмайман энди ҳеч кимни  
Соғинмайди ҳеч ким мени ҳам.  
Кўнгил тиллабандсиз кўшкимни  
Тарк айлади тантана, байрам...



## МЕН СЕНИ...

Мен сени қизларнинг бошинда тож деб,  
Сиртингдан ҳавас-ла қараб юргандим.  
“Шоирга минг қиз ҳам садақа, оз” деб,  
Йўлингни гулларга ўраб юргандим.

Сен-чи, эҳ, унутиб асли зотингни,  
Туларнинг тулибин ялаб юрибсан.  
Бозорга солиб йўқ муҳаббатингни,  
Ўзингни Дон Жуан санаб юрибсан.

Мен сени аяйман, сўзнинг султони,  
Тожу тахтинг тарк айлабон кетар деб,  
Гулсум чулчитларнинг бўлиб Ултони<sup>1</sup>,  
Ўзин ўзи хор-зор айлаб ўтар деб.

Мен сенинг сиртингдан қараб юргандим...

\* \* \*

Муҳаббат — мен учун тонглар қовушиб,  
Нафсларнинг қаноат топмоғи эмас.  
От усти сўз айтиб, йўлда топишиб,  
Ишқ ўти жонларни ёқмоғи эмас.

Муҳаббат — мен учун адоқсиз армон,  
Кувсам ҳам етказмас бир жонли тасвир.  
Дийдор насиб этмас сарғайган ҳижрон,  
Бошқаси... Муҳаббат эмас-ку ахир!..

---

<sup>1</sup> Гулсум, Ултонтоз — қорақалпоқ халқ достони “Алпомиш”даги қаҳрамонлар (булар “Алпомиш”нинг ўзбекча нусхаларида ҳам бор).

## РАҲМ ЭТ

Соғинчлар кўрсатди ўз кучин,  
Айролиқ қамалин забт этди.  
Ошиқлар билмайди ўнг-тушин  
Ишқ меваси ейилди – битди.

Кўз ёшга қорилди қувончлар,  
Тошди, о, меҳрнинг булоғи.  
Тугади армон, дард, нолишлар  
Ва ёнди умиднинг чироғи.

Олинди кўнгилнинг қалъаси,  
Муҳаббат – шоҳ бўлди, Аллоҳим.  
Бу юртнинг ҳолига, хулласи,  
О, танграм, раҳм айла, раҳм айла, раҳм...

\* \* \*

Бир лаҳза унутдим, унутдим,  
Дунёнинг торлигин кўзимга.  
Сўзимга бепарво бу юрт дим<sup>1</sup>,  
Хон бўлдим ўзимнинг кўнглимга.

Ўзимдан ўзгани кўрмадим,  
Топганим, тутганим – сен бўлдинг.  
Билмадим, билмадим, билмадим,  
Сен – армон, сен – нола, мунг бўлдинг.

Бўшанди тизгинлар, қийноқлар,  
Дунёда сен борсан, мен борман.  
Сўроқлар, жавобсиз сўроқлар,  
Кўнгилда минг армон, зил армон...

---

<sup>1</sup> Дим – жуда.

## СЕНИНГ СИРЛИ КЎЗЛАРИНГ...

Кўзларингдан бир сирни англаб  
Юраккинам турар жаранглаб!  
Туйғуларга эрк берсам тинглаб,  
Жоним сенга ошиқтиради.

Қолгудайин сирим сезилиб,  
“Кўй-қўй, кўнглим!” дейман эзилиб.  
Кетолмайман сендан безиниб,  
Шу ақлимдан адаштиради.

Ихлосимни сезиб менинг ҳам,  
Ҳолинг қийин бўлди сенинг ҳам,  
Ишққа дучор қилар-у дам-дам,  
Шу ишқ бизни ҳалок қилади.

Кўзларингдан бир сирни англаб,  
Юраккинам кетди жаранглаб!..

\* \* \*

Ёпдим мен туйғулар эшигин,  
Дардларим қоғозга тўкилди.  
Муҳаббат — ул эски қўшиғим,  
Кўз ёшга қорилиб экилди.

Ўз уйим — о, ўлан тўшагим,  
Боламнинг шўх-шодон кулгиси.  
Беъмани туюлди кечаги  
Ҳижрон ҳам, висол ҳам, гул иси...



## СОҒИНИШ

Сен маънос нолиндинг: “Бир совға лозим,  
Сийлай олмадим-да, шу гулдан ўзга...  
Қўл қисқалик қилди, топмай иложин...”  
Қўнглинг аён эди, не ҳожат сўзга?

Мен ҳам ғамгин мийиқ тортиб-ла секин,  
Гулингни қўлингдан олдим шу асно.  
Гуноҳкор бандадай олдингда сенинг  
Қўнглимни фош қилгим келмасди асло.

Сен дединг: “Қанийди айлансак бирга,  
Юрсанг-чи...” “Имкон йўқ...” Бора олмадим.  
Сени қолдирганча чорраҳа ерда,  
Кетдим-қолдим, аттанг, қалбинг доғладим.

О, бугун соғиндим жуда беаёв,  
Гулингни, гул неси, ўзингни, жоним.  
Ҳамон чорраҳада тургандирсан-ов,  
“Кечир...” деб оғринар қалбим, виждоним.



## СЕН БЎЛМАСАНГ...

Қиш аёзи тўнгдирмас мени,  
Ёзлар куйиб ёндирмас мени,  
Фаслларда маъни йўқ, маъни  
Сен бўлмасанг...

Ёлғон дунё мени олмоқчи,  
Армонларни дилга солмоқчи,  
Мени сендан жудо қилмоқчи  
Энди англасам...

Қўшигим ҳам, созим ҳам — ўзинг,  
Ўпка, гина, нозим ҳам — ўзинг,  
Олғир шунқор, бозим ҳам — ўзинг,  
Ўйласам...

Сен — ўтмишим, келажагим ҳам,  
Эканлигинг англадим, билсанг,  
Кўзим очиқ кетади ўлсам,  
Сен бўлмасанг...

## БОШҚАСИНИНГ БАРИ...

Дунё ишларга танг қолдим бир зум,  
Келолмай ҳам турдим ўзимга ўзим,  
Яна бир ўйиндан очилди кўзим,  
Ёлғончи бу дунё — бевафо экан.

Мен излаган бозор йўли — айланиш,  
Харид дунёси ҳам — мунг, алам, нолиш,  
Бир тансиқ буюм йўқ менга нотаниш,  
Йўқни излаб, бағринг минг пора экан.

Билсам, бозорим ҳам, бахтим ҳам ўзинг,  
Сарой, салтанатим, тахтим ҳам ўзинг,  
Ай вафоли ёрим, ай қора кўзим,  
Бошқасининг бари, қўй, чала экан.

## МУҲАББАТ

Кўнглимнинг чўғлари сўнган эди-я,  
Бечора қалб шунга кўнган эди-я,  
Хазон япроқларин тўккан эди-я,  
Нега баҳор бўлиб келдинг, муҳаббат?!

Яна ўтда жиз-жиз ёнсинми қалбим,  
Яна чекайинми жафо-ю жабрин,  
Мени телба айлар бу ҳолат бир кун,  
Нега вужудимга эндинг, муҳаббат?!

Энди сайр этишга кўнгил боғим йўқ,  
Энди гул очишга баҳор-ёзим йўқ,  
Сен подшосан, менинг тожу-тахтим йўқ,  
Нега армон бўлиб келдинг, муҳаббат?

Энди осмонингда учмоғим мушкул,  
Жоним, ҳатто сени қучмоғим мушкул,  
Илоҳий қудрат бўл, ҳудойлик иш бўл,  
Ўзинг куй, пиш, ўзинг ёндир, муҳаббат!



## СЕНИ МЕНГА ХУДО ЕТКАЗДИ

Туйғуларни кўмиб юрак тўрига,  
Ўт кетсин, келмасин девдим ўрнига,  
Қўл силтагим келган эди барига, —  
Шу он сени менга худо етказди.

Ақлимдан, ҳушимдан озмаслигим-чун,  
Тез тўзиб, умидни узмаслигим-чун,  
Бемаъни сатрлар ёзмаслигим-чун  
Бу он сени менга худо етказди.

Ўзимни ўзим-оқ излаб топишга,  
Дарё каби тўлиб-тошиб оқишга,  
Жонимни ўтларга яна ёқишга  
Сени, сени менга худо етказди.

Сен келдинг — уйғонди мулгиган<sup>1</sup> ҳислар,  
Маст қилди анқиган баҳорий ҳислар.  
Айланиб кетайин, эй қора кўзлар,  
Сизни менга худо, худо етказди.



---

<sup>1</sup> Мулгиган — уйқуга кетган, ухлай бошлаган.

## СЕВГАНИНГ БЕКОР

Чин берилиб, ихлос билан севмасанг,  
Кўнгил истаб, суҳбатлашиб юрмасанг,  
Ёр кўнглида не борини билмасанг,  
Бул дунёга келиб юрганинг бекор.

Интиқиб, соғиниб ҳижрон доғинда,  
Сарғайиб кутмасанг сафар чоғинда,  
Кун бўлиб кулмасанг кўрган вақтинда,  
Бирга турмуш қуриб юрганинг бекор.

Иzzат-икром ила ёринг сийламай,  
Шошиб иш битирсанг изин ўйламай,  
Турмуш денгизини теран бўйламай,  
Кўнглини қолдирсанг – севганинг бекор.

Муҳаббатсиз ҳаёт мисли зиндондай,  
Кўнгил саройига қулфлар ургандай,  
Боғда чаманларни қиров чалгандай,  
Ишқсиз бу дунёга келганинг бекор.

Ўзга чаманларда очилса гулинг,  
Тақдир елкалатса айролиқ юкин,  
Бир боғ бўлсанг, йўқотган ўз булбулин,  
Севдим деб соғиниб юрганинг бекор.

Севган кўнгилларга тилакдош бўлинг,  
Биринг – Ой, бировинг – Кун бўлиб юринг,  
Тақдир сўқмоғинда олға интилинг,  
Йўқса ёр бўлай деб юришинг бекор.

## ЭР ҚУТҚАРАДИ

Тухмат, ўтрик, алдов, ёлгон сўзлардан,  
Сукланиб қараган ёмон кўзлардан,  
Нокаслардан, номардлардан, ҳезлардан,  
Қутқарса аёлни — эри қутқарар.

Ким отса аёлга таъна тошларин,  
Бесабаб оқизса кўзда ёшларин,  
Ўлимга тик боқиб, тикиб бошларин,  
Қутқарса аёлни — эри қутқарар.

Ноҳақдан учраса агар тухматга,  
Аёл қолса таъна, тавба, миннатга,  
Оқбош тўлқиндай бош уриб зулматга,  
Қутқарса аёлни — эри қутқарар.

Аёл — дарча, эри — тутилган парда,  
Илинмасин учун суқ кўз назарга,  
Кўнгилда қийлу қол, бўлмасин зарда,  
Қутқарса аёлни — эри қутқарар.



# Ukku taqdir

## СУЮНБЕКА

(Тарихий тўлғов<sup>1</sup>)

*Ташлаб кетиб Хоразмдай Ватанни,  
Ёйиқда бобомиз Нўғай атанди,  
Тахт ўлдирди Суюнбека онангни,  
Давронингнинг бари армон, қоралпақ!*

(Қорақалпоқ халқ қўшиғидан)

— 1 —

Биби Фотма бизларга пир саналган,  
Аёл Зотин пайғамбарлар тан олган.  
Ойчўлпон, Орувхон — ўроним<sup>2</sup> бўлган,  
Туб шажарам Тўмарисдан тарқалган.  
Гулойим, Сарвиноз — ботир қизлар бор,  
Бир ўзи мингларга татир қизлар бор,  
Ойдан ортиқ сулув, сумбатли бўлган,  
Қирқта қиз — элимга мисли қирқ кўрғон!  
Қизларини ҳурматлаган халқмиз биз,  
Жасорат — шаънимиз,  
Мардлик — туғимиз.  
Мен бугун кўлимга олиб қаламни,  
Куйлай дедим Суюнбека санамни.  
Қулоғимга садо келди, о, шу вақт,  
Нўғай мамлакати, Олтин Ўрда, тахт...

<sup>1</sup> Тўлғов — халқ оғзаки ижодидаги қадимий кўшиқ тури. Унда асосан тарихий воқеалар, ботирлар тақдири тасвирланади.

<sup>2</sup> Ўрон — паролъ маъносида.

Эдил, Ёйиқ<sup>1</sup> – сув манбаи, фаровон,  
Амир сайлаб Нўғай юрти шод-хандон,  
Хўп соғиниб Аму сувин ул замон  
Чўлга сафар чеккан қорақалпоқман.  
Тарихда номим бор – массагету соқ,  
Шулардан қолган бир из – қорақалпоқ,  
Тақдир – довул, қанча кўчиб-қўнганмиз,  
Қипчоғу Кўнғирот, Манғит бўлганмиз.  
Ўн биринчи аср, рус йилномасида,  
Танилганмиз “қалпоқ” атамасида.  
Чингизхон аёвсиз уруш қилганда,  
Қипчоқ қавмларин қириб солганда,  
Шунда бош кўтардинг Олтин Ўрдада,  
Айланиб Манғитли Нўғай мирзага.  
Олтин Ўрда юрти қулаган вақтда,  
Амир Нўғай бўлиб миндинг сен тахтга.  
Муса, Шийқим, яна Шейдаёқ, Қосим,  
Юсуф ва Исмоил, Тинаҳмад бошчинг,  
Ном чиқариб Ўрмамбетдай ўғлонинг,  
“Қорақалпоқ – бизлар”, деган қиронинг.  
Солмай туриб қизларингни хатимга,  
Бошим эгай ўша аждодларимга...

Сахройи халқимнинг кўкёл сиртлони, –  
Манғит Юсуф бўлди Ўрданинг хони.  
Номи чиққан ботир, мард ўғлон эди,  
Халқим деди, халқнинг ғамини еди.  
Ҳаттоки хавф солиб Ўрисиятга,  
Ҳукм ўтказди Москвага, Витовтга<sup>2</sup>.  
Мустаҳкамлаш учун Нўғай Ўрдани,  
Керак дерди ўрисларнинг ўлпони.

<sup>1</sup> Эдил, Ёйиқ – ҳозирги Волга ва Урал дарёларининг қадимги номи.

<sup>2</sup> Витовт – Болтиқ денгизи бўйидаги қудратли давлат раҳбари.



Нўғай юрти хони Юсуф Мирзанинг,  
Кимлар сезар эди улуғ армонин?!  
Балиқ бошига қарай, туримтой тусига  
Кетмасин деб, борин солиб ҳовчига,  
“Элим эл бўлсин” деб, шу қатъий йўлда,  
Ҳатто қўл бермаган на ўнг, на сўлга.  
“Ёлғиз отнинг чанги чиқмас”, деганлар,  
Манғит Нўғай Мирзо тузди қўрғонлар.  
Бироқ амир Нўғай тузган ўрдани,  
Ҳасад деган ёмон иллат қўймади.  
Тўра, Қозон, Ҳожи Тархон, Қримга  
Бўлинди мамлакат, кўп чиқит бўлди,  
Ўғил – Румга кетди, қизи – Қримга,  
Товон тираб қолгани бир Манғит бўлди.  
Унинг гузар йўли хўп чанғит бўлди.  
Ўлпон тўлаб турган Нўғайўрдага,  
Бош кўтарди Москва-да, Литва-да.  
Москва гаровга олиб болаларин,  
Қийин этди мирзаларнинг ҳолларин.  
Ниятлари холис эмас, буриш<sup>1</sup> эди,  
Ўйлагани Нўғайюртга уриш эди.

– 4 –

Ўша манғит Юсуф Мирзанинг қизи,  
Қиз эмас, осмонда ёнган юлдузи,  
Суюнбека сулув эришди тахтга,  
“Етказаман, деди, халқимни бахтга”.  
От белинда ўйнаб, қилич сермаган,  
Бундай мардни ким кўриб, ким кўрмаган.  
Отасидай ғайбар, ақлли эди,  
Шунинг-чун халқининг ғамини еди.  
Нўғайли элининг гули-ғунчаси,  
У Қозон элининг бўлди хончаси.

---

<sup>1</sup> Буриш – бурилган, яъни тескари, нотўғри.

Ағдар-тўнтар, қийин замонда яшаб,  
Юрар у элу халқ эркини тусаб.  
Бухорою Тошкент, Урганч юртин ҳам,  
Манғит султонлари ушларди маҳкам.  
Аслзода бўлгач қизнинг зов-зоти,  
Ҳайбат солар эди унинг савлати!  
Юритмоқчи бўлиб ўз сиёсатин,  
Қозонга кўз тикди Ўрисиятинг.  
Юрди Нўғайлига босим ўтказиб,  
Ўзига бош эгган хонни кўтариб.  
Суюнбека сулувни олмоқчи бўлди,  
Соғ бошига савдо солмоқчи бўлди.  
Тишин қайраб Ўрисият шу вақтда,  
Жоналини ўтирғизтирди тахтга.  
Сақлаб турган эди омонат қилиб,  
Жоналининг даври келарин билиб.

— 5 —

Юрт омонат Суюнбека сулувга,  
Сафогерей жон сақларди Кримда.  
Қозон қалъасига бўлиб ҳукмдор,  
Жоналига гўё жаҳон бўлди тор.  
Суюнбика экан юртнинг суянчи,  
Эл-юртнинг бирлиги, давлат таянчи.  
Шу обрў, ҳурматга бўлай деб эга,  
Жонали уйланди Суюнбекага.  
Бийликнинг тизгини қолди сулувда,  
Жоналида жон йўқ бўйин бурувга.  
Суюнбека халқни одил бошқарди,  
Масжиду мадраса, қалъалар солди.  
Сирт элларга карвон тортди, йўл қилди,  
Савдо-сотик иши тараққий қилди.  
Олимларни пойтахтга олдириб,  
Илму фан деб неча бинолар қуриб,  
Халқ ҳам қўллаб Суюнбека қизини,  
Бошчи билар эди унинг ўзини.

Жонали хоннинг ҳеч иши ўнгмади,  
Уни на амирлар, на халқ қўллади.  
Манғит мирзалари сўнг бош кўтариб,  
Тинчидилар Жоналини ўлдириб.  
Омонатни омон сақлаб хончаси,  
Сафархон бўлди сўнг Қозон подшоси.  
Бошин қўшиб Суюнбека сулуга,  
Ниятланди зўр салтанат қурувга.  
Хизмат қилди эли учун югуриб,  
Халқим дея ҳар балога дош бериб.  
Қозон салтанати гуллаб-яшнади,  
Эл-юрт ободликка қадам ташлади.

— 6 —

Москва кўз тикиб турарди ҳамон,  
Истарди, бизга бош эгсин деб Қозон.  
Сафархоннинг сиёсати ёқмади,  
Сабаб — дарё улар томон оқмади.  
Қайта-қайта уруш хавфин туғдириб,  
Шамол йўқ жойларда довул турдириб,  
Душман ичдан чалиб, халқни авради,  
Олти оғайни бир-бирини алдади.  
Қарши зарб беролмай ёвга Сафархон,  
Манғит мирзаларсиз қолди тахт, Қозон.  
Суюнбекага ҳам доди етмади,  
Қилган ҳийла-шумликлари ўтмади.  
Яна ютиб оғир юкнинг азобин,  
Қолаверди Суюнбека гўзалим.  
Нўғайюртга туғдириб хавф-хатарни,  
Москов энди Шоҳалини хон кўтарди.  
Москвада омонат юрган бул бола,  
Қаёқдан етишиб бўлолсин доно?!  
Хон бўлса-да, эрки эмас ўзида,  
Лафзу қарори йўқ айтган сўзида.  
Суюнбека бағишламай танини,  
Шоҳалини амангер<sup>1</sup> деб таниди.

<sup>1</sup> Амангер — эри ўлганидан сўнг бўладиган эр.

Мард Манғитнинг ўша ботир авлоди,  
Сафархон Қозонни яна ёвлади<sup>1</sup>.  
Бироқ тақдир унга вафо қилмади,  
Бефурсат ботирнинг бошин ялмади.  
Қолаверди изда Суюнбекаси,  
Ёлғиз ўғли — Ўтамишдай эркаси...

— 7 —

Тахт учун даъвогар Ўтамиш султон,  
Туғилди у Суюнбека онадан.  
Суюнбека одил ҳукмдор бўлди.  
Халқнинг кўнгли нури зиёга тўлди.  
Ёнига юрт яхшиларин йиғнади,  
Ёши улуғларнинг гапин тинглади.  
Илашмоқчи бўлиб ҳатто оқимга,  
Хат йўллади олис билан яқинга.  
Халқ билан бўлди у, халқ билан сузди,  
Москва билан ҳам шартнома тузди.  
Манғит мирзоларга қилган даъвати —  
Москвани ёвлаш эди нияти.  
Отаси Юсуф мирза — ул кўкёл сиртлон,  
Оғаси Юнус ҳам мард, ботир ўғлон.  
Қилган ниятидан қайтмайди улар,  
Ўлмаса бош эгиб ётмайди улар.  
Москов аскар тўплаб Нўғай ўрдадан,  
Қозонга уруш очди яна қайтадан.  
Туғишган<sup>2</sup> улуслар тулпор чопишди,  
Ўзин ўзи қурбон қилиб чалишди.  
Улар — Қипчоқ, Қўнғирот ва Манғит эди,  
Бирининг бошини бириси еди.  
Фойдаланиб бундай олаоғизликдан,  
Москов тортар эди жолов-сувлиқдан.  
Суюнбека куйди ёвласа халқлар:  
“Во дариғ, оғизлари бир бўлса нетар?..”

<sup>1</sup> Ёвламоқ — қушин тортмоқ, босиб олмоқ.

<sup>2</sup> Туғишган — оға-ини, биродар халқлар.

Суюнбека ўғли билан гаровга  
Хайдаб олиб кетилдилар Масковга.  
Иван Грозний эди Ўрис подшоси,  
Суюнбека Қозон юрти хончаси.  
Подшо кўриб танг қолди ул сулувни,  
Ният қилди хотинликка олувни.  
“Ғайри юртда тан маҳрами бўлгунча,  
Бош эгмайман қошиқ қоним қолгунча...”  
“Томиринда қайнаб Манғитнинг қони,  
Тенгсалтирди<sup>1</sup> Суюнбека онани.  
Қозонга Шоҳали хон бўлди такрор,  
Эл-юрт бошига ёғилди озор.  
Эгалик қилолмай ёлғиз ўғлига,  
Суюнбека она қайтди элига.  
Шоҳали жабрини ҳаддан ўтказди,  
Финг десанг — Московга барин етказди.  
Манғит мирзалардан хайр бўлмади,  
Олаоғизлик бошларини ялмади.  
Қизига кўз қирин сола олмади,  
Ўз юртига ўзи эга бўлмади.  
Суюнбека сулув фармони билан,  
Кўнглида қатма-қат армони билан,  
Юрак-бағри қон-қон бўлиб эзилди,  
Бўтадай бўзлади, тутдай тўкилди.

Едига султоннинг бовлиғи<sup>2</sup> ўзим,  
Нўғайнинг ўрдасин кўргандир кўзим.  
Бугунги ҳолингга не дейин, халқим,  
Қаёқда минг йилча татирлик донфинг.

<sup>1</sup> Тенгсалтирмоқ — чайқаб кўрмоқ, хаёлга ботирмоқ.

<sup>2</sup> Бовлиқ — боғич. Бу ерда “авлод” деган маънода.

Қорақалпоқ — туб илдиздир Манғитга,  
Нега чопавердинг, халқим, анғитга?  
Қунғиротда арисингнинг биттаси,  
Қипчоғинг азалдан бизга эл эди.  
Бош эгибсан бугун Ўрисиятга,  
Тарих олдида сен қолдинг уятга.  
Ўғлингни сен нега юбординг Румга,  
Қизингни юбординг нега Қиримга?!  
Азалий душманлар эл бўлармиди?  
Етак кесган билан энг бўлармиди?  
Ўғилларин пир тутганим, халқим-ов,  
Қизларини ҳурмат қилган халқим-ов.  
Бугунги кун сенинг олтин бошингни  
Кофирлар келиб-оқ янчиб-ялмади.  
Заифа бўлсам ҳам, ор деб тиришдим,  
Ёлғиз ўзим ёвга қарши курашдим.  
Оғам келар деб эдим-ов ортимдан,  
Мадад кутдим Нўғайлидай юртимдан.  
Манғитнинг қизлари хонга муяссар,  
Магар хон бўлса-да тахтга ярашар.  
Бугун ёд қилгайман боболар ерин,  
Турон — шу Туркистон, Хоразм элим.  
“Тушларимга энар Бойсун тоғлари”,  
Тилимни ўгирган Жайхун сувлари.  
Бошинда чўғирма, қора қалпоғи,  
Бобом — ботир массагетлар урпоғи.  
Ўзинг ёр бўлгайсан, Тўмарис онам,  
Эвоҳ, жар бўйида турибди боланг.  
Қонга тўла мешга тикдинг бошини,  
Кир подшонинг мағлуб бўлди қўшини.  
Менинг ҳам юрагим тўлгандир қонга,  
Қасд қилсам қилайин шу ширинжонга.  
Бургутлар чўққидан ташлаб ўлади,  
Сабаби, у ўз қадрини билади.

Кимга насиб қилсин азал поёни,  
Мен ҳам тарк этаман ёлғон дунёни...” —  
Суюнбека ўзин минордан ташлаб,  
Қора кўз халқларни кетди, оҳ, ташлаб.  
Тожу тахт, салтанат вафо қилмади,  
Армонли сулувнинг бошин ямлади.  
Гаровга олинган Ўтамиш султон,  
Унинг ҳам бошини олдилар шу он.

— 10 —

Сақлаб қолмай Ўтамишдай болангни,  
Тахт ўлдирди Суюнбека онангни.  
Охир кофир олиб солган қалъангни,  
Оқдарёни ташлаб кетдинг, қоралпоқ!  
Хон қизи бўлса-да тошиб-тўлмаган,  
Халқ бахтини, келажакин ўйлаган.  
Қозонга хон бўлган ақлли қизим,  
Нўғай ўрдасида ёнган юлдузим.  
Халқинг унутмайди сенинг отингни,  
Гавҳардай покиза асли зотингни.  
Тарих саҳнасидан турибсан қараб,  
Яна эл-юртингга омонлик сўраб.  
Қозонда сен ўзинг тиклаган минор,  
Суюнбека номинг улуғлар такрор.  
Номинг байроқ қилган журнал ҳам бордир,  
Ҳар оилага ундан ёғар нур.  
Қорақалпоқ тарихида отинг бор,  
Шажарамда ёзиб кетган хатинг бор.  
Ўрин олдинг ўрис солномасидан,  
Ёрлиқ олган хону беклар қошидан.  
Жировлар қўбизин олиб қўлига,  
Номингни ёдлайди қўшиқларида.  
Макон айлаб туб азалий ватанни,  
Халқинг бугун қорақалпоқ атанди.  
Эга бўлди ўз тили, ўз динига,  
Қомусига, байроғига, гербига.

Элингда Адолат барқарор бўлди,  
Инсон манфаати юқори турди.  
Ўзинг армон қилган илму фанларни,  
Авлодларинг ўзлаштирди барини.  
Илм даргоҳи – университет, институт,  
Зиё тарқатади элга кетма-кет.  
Ҳамма тенгдир, ўқиб, меҳнат қилади.  
Энг улуғ бахт меҳнатда деб билади.  
Шаҳид кетган бўлса Ўтамиш ўғлинг.  
Барча қорақалпоқ фарзандинг сенинг.  
Онамиз деб, ардоқ қилиб туради,  
Номингни улуғлаш мақсад-муроди.  
Суюнбека она, руҳинг шод бўлсин,  
Қабринг нурга тўлсин ва обод бўлсин.  
Қорақалпоқ ичра хон қизи бўлиб,  
Кўнгилларда борсан юлдузи бўлиб.

(2007-2010 йил)

## БИР ТАҚДИР ФОЖЕАСИ

*Кичик достон*

– 1 –

Гулсанам бир уйнинг кенжаси,  
Қилиғи эрка, шўх эди.  
Уйининг тантиқ эркаси,  
Отилмай турган ўқ эди.  
Ўзиям сарвқомат, сумбатли,  
Кўрган кўз қувониб қолгудай.  
Иболи, ҳаёли, ҳимматли,  
Ақлу ҳушларни олгудай.  
Кўп эди ошиғи унинг ҳам,  
Олдида сув бўлиб оқдилар.  
“Кимга эгилар бу санам,  
Ваҳ!”- дея танглай қоқдилар.



Кўп йигитлардан сарғайиб,  
Совчилар келди-ю бўш қайтди.  
Бирига дил берди, жилмайиб,  
Бошқаларини мунғайтди.  
Бир синфда бирга тенг ўқиган  
Армонни севди у армонсиз.  
Бир юриб, эртақлар тўқиган  
Йигитга бахш этди ўзни қиз.  
Севишган! Синашган! Синфдош!  
Қўлларни қўлларга бердилар.  
Шуйтди-да пок кўнгил икки ёш,  
Боғлардан даста гул тердилар.  
Икковлон кетдилар Тошкентга!  
Ўқимоқ — мақсади-муроди.  
Илинмай талаба рўйхатга,  
Икковлон синовдан қулади.  
Не бўпти қуласа? Икки қалб  
Қушлардай чурқ-чурқлаб, шўх-шодон.  
Бириси бирисин эркалаб  
Йигит-қиз қайтдилар уй томон.  
Икковлон ижара уй тутди,  
Бириси биридан қолган йўқ.  
Отаю онани унутди,  
Сўзимда тирноқча ёлғон йўқ...

— 2 —

Келинмас эмас, ўзининг қизидай  
Кўрилиб, кўнгли ўсади.  
Гулсанам юрар бир тинмай,  
Кўкарган каби кўсаги.  
Келиннинг уйи олдидан  
Ўтдилар қуда-қудағай.  
Ҳаммаси келди-ку ўнгилан,  
Аллоҳим, ўзинг бахт берағай!

Орадан ой ўтди. Йил ўтди,  
Фарзандлар келдилар дунёга.  
Бошлари осмонга нақ етди,  
Бириси биридан зиёда.  
Уйим деб югуриб юрганда  
Бирисин бириси унутди.  
Кунларнинг куни келганда,  
Дилларни синов совутди.  
Армоннинг кўп эди армони,  
Ҳафталаб кетар уйдан.  
Баҳона қиларди у-буни,  
Келмасди кетган жойидан  
Гулсанам жуда кўп ўйларди,  
«Қалай ўтаркан куним» деб.  
Эрига айбларни ортарди  
«Қуриб кетсин-а, туринг» деб.  
Шу бўлди, кўнгиллар қолишди,  
Тубанлаб кетди-ку ҳоллари.  
Салгина нарса деб уришди,  
Чирқирар қизлари, уллари...

— 3 —

Бола жойланди боғчага,  
Гулсанам бошлади бир ишни.  
Кўрсатиб қўймоқчи барчага  
Пул топиш қанақа бўлишни.  
Ҳа демай улғаяр фарзандлар!  
Кечаги кийимлар бугун тор.  
Нарх эса ўсади, қимматлар,  
Пул керак... пул қани, қайда бор?!  
Болалар ўсмоқда, ўсганда,  
Харажат ўзига етказмас.  
Маошга кун қараб қолганда,  
Камликни маош ҳеч битказмас.

Гулсанамга таниш бир аёл  
Қатнаб юрарди Қозоққа.  
«Мен ҳам борсам...» деган бир хаёл  
Етаклар уни шу ҳам ёққа.  
Эрига ўйлашди, кенгашди,  
Эри «Борсанг, борақол» — деди.  
«Бахт шу бўлса, улашса,  
Улушингни олақол!» — деди.  
Армон қараб ўғилга-қизга  
Гулсанамни чорларди у ёқ.  
Гоҳо ошиб кетиб Қирғизга,  
Карвон қолиб кетарди узоқ.

— 4 —

Санам кирди савдо йўлига,  
Унутди-ку уйин-жойин ҳам.  
Пуллар келаверди қўлига,  
Топишлари эмас сира кам.  
Бирга савдо қилишиб юрган  
Йигит жуда меҳрибон чиқди.  
Ўртададир наф, зиён, гардкам,  
Ҳар соҳада устамон чиқди.  
Гулсанамнинг ўғил-қизлари,  
Сарғайишиб кутар уйида.  
Улғайишиб қолганди бари,  
Кўришни иташар онани жуда.  
Машина, ҳовли қўша-қўшадан,  
Фарзандлар зор бироқ меҳрга.  
Юрак ахир эмас-ку тошдан.  
Она қани? Кетган чет ерга!  
Армон-чи, о, роса бўлдирди,  
Носоз гапдан, заҳар сўзлардан.  
У ўзини тамом олдирди,  
Отилажак ўқдай кўзлардан.

Гулсанам уйга бир келганда,  
Деди: «Чиқма, чет элга қайта!  
Мени юртга қилдинг шарманда,  
Куриб кетсин бундайин фойда!»  
Чиғириқдан бир чиқса аёл, —  
Биласиз-а... Гулсанам нетди?  
Бу оламнинг кенг саҳнин дарҳол,  
Армонга тор этди-да, кетди!  
Қарамай ўғил-қизлар кўнглига,  
Охири улар ажрашди.  
“Хайр” айтди бири-бирига,  
Болалар зор-нолон йиғлашди.

— 5 —

Узатилганда қизлари,  
Қуда юрт қилди тантана.  
Кам солинган деб тузлари  
Қаҳрини сочар қайнона.  
Қолгани ҳали кичкина,  
Ўқиб юрибди мактабда.  
Ота-онаси касридан  
Ёш кўнгил лат еган, ғазабда.  
Ҳовлилар тенг-тенг бўлинди,  
Машина ҳам тенг-тенгдан.  
Битта оила бўлинди,  
Айбни излар ким-кимдан.  
Отаси кетган уйланиб,  
Онаси ҳамон эл кезар.  
Фарзандлар ўксик, ўйланиб,  
Уларнинг дардин ким сезар?  
Савдода юрган йигитга  
Гулсанам қўшди кўнгилни.  
Беланиб орзую умидга  
Давом этдилар сайилни.

Ўғил-қиз уларга эргашмай,  
Гулсанам бош тортди уйидан.  
Сафарга кетди сиғишмай,  
Айрилди бахтнинг тўридан.  
Аваллар бирга юрганда  
Ой билан кундай бўларди.  
Энди эшикка келганда,  
Билди: бепарво куларди.  
Ўйнашга хотин бўлганнинг  
Қадри бўларми – бўлмайди!  
Баридан жудо қилганнинг  
Бахти қайта очилмайди!  
Унда на обрў, қиммат бор,  
На-да келинлик ҳурмати.  
Жондан ўтади бир озор –  
Қош-қовоқларнинг миннати.  
Ярим йўлида адашиб,  
Йўл излар энди Гулсанам.  
Иш қилган экан-ку у шошиб,  
Ўнганмас энди қайтса ҳам.  
Уяту виждон, ор-номус,  
Олди-ортига қаратмас.  
Қўлни кесаркан зўр қамиш,  
Ҳол-аҳволни ҳам сўратмас.  
Кўнгилдош бўлган йигити,  
Энди бирликка интилмас.  
Сўлди-ку армони-умиди,  
Йўқолган бахти топилмас.  
Қайда қолди-я қиз пайти,  
Изида юрган хушторлар?  
Фарзандлар қараб ҳам қўймайди,  
Бепарво энди бор дўст-ёрлар.  
Бирон кас қолмабти ёнида,  
Йўқотибди бари-барини.  
Иш тушганда ҳам боролмас,  
Унутган дўсту ёрларини...

Чиқишиб кетганди Гулсанам  
Тукқану туғишганлардан ҳам.  
Ҳаттоки ўғил-қизлари ҳам,  
Четга олади тез-илдам.  
У шунда... ароққа берилди!  
Бору йўқ пулларин совурди.  
Бошқа не қилсин у энди,  
Ўзини ўтларда қовурди!  
Алдабди енгил бахт хумори,  
Отган одими — мунг бўлди.  
Тарқади ҳаёт бозори,  
Ипак сочлари юнг бўлди.  
Номаъкул гўштларни еганми,  
Завол топти, о, Гулсанам.  
Эл-юртдан ошсам деганди,  
Ёт юртда қолди қабри ҳам...



## МУНДАРИЖА

### ИЛҲОМ БУЛОҒИМНИНГ КЎЗИСАН

Ватан .....	5
Бобомсиз .....	6
Ўғлим, тоғларга боқ .....	7
Онажон .....	8
Мен — саҳройи қорақалпоқман .....	9
Айтиб яхши кўрсанг .....	10
Хоразмни тарк этишга рухсат йўқ .....	11
Қизларимни қизғонаман .....	12
Нукусим .....	13

### КЕЛАЖАКНИНГ ЁРУҒ ХАЁЛИ — АЁЛ!

Аёл .....	15
Мени айблама .....	17
Шоирга .....	17
Айт... айт .....	18
Муножот .....	19
Гоҳида .....	20
Барчаси ёлғон .....	21
Сезмайсан .....	21
Инъом эт .....	22
Ёлғизлик .....	22
Кўринди .....	23
Виждон айтадики .....	24
Орангизда қолгим келди .....	25
Яна баҳор келди .....	26
Кетмоқ учун келганман .....	27

### ИЛҲОМ ҚУШИ

Илҳом қуши .....	28
Жоним .....	28
Соғинмайман энди .....	29
Мен сени .....	30
«Муҳаббат — мен учун...» .....	30
Раҳм эт .....	31
«Бир лаҳза унутдим...» .....	31
Сенинг сирли кўзларинг .....	32
«Ёлдим мен...» .....	32
Соғиниш .....	33
Сен бўлмасанг .....	34
Бошқасининг бари .....	34
Муҳаббат .....	35
Сени менга Худо етказди .....	36
Севганинг бекор .....	37
Эр қутқаради .....	38

### ИККИ ТАҚДИР

Суюнбека .....	39
Бир тақдир фожаси .....	48

2800 нусха.

**МИНАЙХОН ЖУМАНАЗАРОВА**  
**ЯШИН БЎЛМАЙ ЯШАЙ ОЛМАЙМАН**

*Шеърлар*

«ISTIQLOL» – Тошкент – 2013

<i>Муҳаррир</i>	<b>Ф. Раizzoқова</b>
<i>Мусахҳиҳ</i>	<b>Н. Атабоева</b>
<i>Расом</i>	<b>Ҳ. Ёқубов</b>
<i>Саҳифаловчи</i>	<b>С. Пўлатов</b>

Лицензия рақаами АІ № 217. 03.08.2012 й. Босишга рухсат этилди  
11.11.2013 й. Бичими 60×84<sup>1/16</sup>. Times Tad гарнитурасида. Шартли босма  
табоғи 3,5 б.т. Адади 500 нусха. Офсет қоғози. Буюртма № 59.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ, Тошкент ш., 100129, Навоий кўчаси,  
30-уй. Тел: 244-94-36, факс 244-51-98. Эл. почта: istiqlol-nashr@mail.ru.

«ISTIQLOL NASHRIYOTI» МЧЖ матбаа булимида чоп этилди. Тош-  
кент ш., 100129, Навоий кўчаси, 30-уй.